

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР
ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР
ОЛИЙ МАКТАБИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD/37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МАҲМУДХОДЖАЕВА УМИДА МУМИНОВНА

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАҚ ЭВАЗИГА
КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Махмудходжаева Умида Муминовна

Ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш 3

Махмудходжаева Умида Муминовна

Совершенствование гражданско-правового регулирования возмездного оказания услуг органами внутренних дел 23

Mahmudkhodjayeva Umida Muminovna

Improvement of civil-law regulation of the services provided by the internal affairs bodies in exchange for payment..... 41

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works 45

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР
ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР
ОЛИЙ МАКТАБИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD/37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МАҲМУДХОДЖАЕВА УМИДА МУМИНОВНА

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАҚ ЭВАЗИГА
КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Үу108 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида бажарилган.

Диссертация авторефери уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sudyalaroliymaktabi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нарматов Нуриддин Соатмурадович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раҳманкулова Нилуфар Хожи-Акбаровна
юридик фанлар доктори, доцент

Джолдасова Сахипжамал Джалгасовна
юридик фанлар номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Божхона институти**

Диссертация ҳимояси Судьялар олий мактаби ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD/37/27.02.2020.YU.107.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 14 декабрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Тел.: (99855) 501-01-89; факс: (99855) 501-01-89, e-mail: sudyalaroliymaktabi@umail.uz).

Диссертация билан Судьялар олий мактабининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2-рақами билан рўйхатга олинган) (100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Тел.: (99855) 501-01-89).

Диссертация автореферати 2021 йил 30 ноябрда тарқатилди.

(2021 йил 30 ноябрдаги 2 рақамли реестр баённомаси).



К.О.Синдаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, доцент

У.М.Сайдахмедов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, юридик фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

Б.Б.Самарходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги Илмий семинар раиси,
юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда хизматлар кўрсатишнинг кўлами ва хизмат кўрсатувчи субъектлари доираси кенгайиб бормоқда ва ўз навбатида фуқаролик-хуқуқий тартибга солишга нисбатан янги ёндашув ва концепцияларни ишлаб чиқиш заруратини кўрсатмоқда. Айниқса, хизмат кўрсатувчи – ижрочилар субъектив таркибига кирувчи давлат органлари, шу жумладан ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар турларининг кўпайиб ва мазмунан бойиб бораётганлиги, оммавий ва хусусий хизматлар ўртасидаги чегараларнинг яқинлашиши фуқаролик-хуқуқий тартибга солишдаги оммавий ва хусусий элементларнинг уйғунлашуви билан боғлиқдир. Зеро, хизмат кўрсатиш тармоғи бугунги кунда товарлар учун глобал ишлаб чиқариш ва тарқатиш занжирига айланди ва дунё ЯИМнинг 70 фоизини ташкил этмоқда¹. Айни пайтда, «Хизматлар савдоси тўғрисида»ги Бош келишувда² 600дан ортиқ хизматларни ўз ичига олган классификация кенг қўлланилмоқда³. Бу борада глобал тенденцияларнинг жаҳон иқтисодиётига таъсири хизматларнинг янгидан-янги турлари вужудга келишига туртки бўлмоқда.

Дунёнинг турли давлатларида ички ишлар органлари (полиция) томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш бевосита буюртмачи ва ижрочи ўртасида шартнома тузиш орқали тартибга солишда турли ёндашувлар амал қилмоқда. Жумладан, улар томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг юридик табиатини аниқлаш (оммавий ва хусусий ҳуқуқ ёндашуви), тузиладиган шартномаларнинг мазмун-моҳиятига кўра таснифини белгилаш (оммавий шартнома, номланмаган шартномалар ҳамда аралаш шартномалар), ички ишлар органлари кўрсатадиган хизмат турларини кенгайтириш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш (шартномалар эркинлиги ва либераллашув концепцияси) фуқаролик-хуқуқий тартибга солишнинг долзарб йўналишлари сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистонда ички ишлар идоралари тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хизматлар кўрсатиш доирасини кенгайтириш, шиддат билан ривожланиб бораётган ижтимоий ҳаёт талабларидан келиб чиқиб янгидан-янги хизмат турларини жорий этиш, зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашга хизмат қилувчи шартномавий муносабатларни такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Бинобарин, ушбу давлат органи томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-хуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хизматлар доирасини кенгайтириш ва ахборот, ҳуқуқ, техник, таълим, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш каби соҳаларда янгидан-янги хизматларни жорий этиш масалаларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

¹ WB World Development Indicators. Available at: <http://databank.worldbank.org/data/reports.aspx?source=world-development-indicators> (accessed: 01.06.2021).

² Генеральное соглашение о торговле услугами / Всемирная торговая организация, Уругвайский раунд многосторонних торговых переговоров. – Марракеш. 15 апреля 1994 г. // www.ereport.ru.

³ Козлов А.А. Международная торговля услугами, их виды и классификация // Вопросы экономики и права. – М., 2012. – № 1. – С.255.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995, 1996), «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни (1998), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари (2021), «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2018), «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари (2021), шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати, хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилашга оид қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2018-2021-йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасидаги «Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда ички ишлар органлари иштироки: ҳолати, муаммолари ва ечимлари» мавзуидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳамда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари асосида илк маротаба тадқиқ этилмоқда.

Мамлакатимиздаги ҳуқуқшунос олимлардан Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, Н.Ф.Имомов, Н.А.Кулдашевлар томонидан тадқиқотнинг умумий жиҳатлари ўрганилган бўлса, Б.И.Ибратов, Н.С.Нарматов, Т.А.Мўминов, О.А.Камалов, К.К.Низамитдиновлар томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари ҳамда ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг айрим турлари тадқиқ этилган¹.

МДХ мамлакатлари ҳуқуқшунос олимлари томонидан ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим жиҳатлари А.В.Максименко, В.Н.Шмаков, С.С.Конюхов, С.Ю.Косицын, В.Н.Фалина, А.Г.Калугин, А.Ю.Манцуоров, К.А.Карчевский, А.В.Горелик, О.Ю.Ручкин, В.И.Числов, О.А.Банина, З.К.Сокова, Д.С.Маркелов, А.Н.Грищенко, С.Н.Тесля, Д.Е.Воробьева, Е.В.Дегтева, В.В.Ковязин²ларнинг илмий ишларида баён этилган.

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий тадқиқот иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси илмий Кенгашининг 2020 йил 10 январдаги 1-сон йиғилиш баённомаси қарори билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;

ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

ички ишлар органларининг хизмат кўрсатиш соҳасидаги иштирокига оид ривожланган давлатлар тажрибасини миллий қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига тадбиқ этиш истиқболларини таҳлил этиш;

ички ишлар органлари фаолиятида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;

ички ишлар органлари иштирокида тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш;

ички ишлар органлари иштирокида тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш;

ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик шартлари ва асосларини белгилаб олиш;

ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни қўллаш амалиёти ҳамда ушбу тадқиқот мавзусига оид илмий ишлар ва адабиётларнинг таҳлиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида илмий билишнинг тарихий, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, мантикий, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

автобусларга ички ишлар органларининг ҳамроҳлик қилиши Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати бўлинмалари ва

туризм хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари томонидан шартномалар тузилган ҳолда пуллик асосда амалга оширилиши асослаб берилган;

туристларни шартнома асосида кузатиб бориш хизмати Ички ишлар вазирлиги Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пиёда ва (ёки) махсус автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги асосланган;

давлат таълим муассасалари, хусусан Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари томонидан пуллик таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиши лозимлиги асосланган;

давлат таълим муассасалари, шу билан бирга Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгаллиги, улар томонидан қўшимча хизматларни кўрсатганлик учун ҳақ миқдори мустақил равишда белгиланиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари миллий қонунчилик асосида комплекс ўрганилиб, мазкур соҳада қонунчилик тизимини такомиллаштириш йўналишлари асосланган;

ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг турлари (эксперт-криминалистика фаолияти, жамоат тартибини сақлаш фаолияти, туристлар ва туристик гуруҳларни кузатиб бориш фаолияти, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан транспорт воситаларини кузатиб бориш фаолияти, таълим хизмати фаолияти) аниқланиб, ички ишлар органлари пуллик хизмат фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақлилиги асослаб берилган;

фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни икки турга ажратиш (оммавий хизматлар ва фуқаролик ҳуқуқий хизматлар) тартиби асослаб берилди;

ривожланган давлатларнинг ички ишлар органлари (полиция) томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасидаги ижобий тартиб-таомилларни миллий қонунчиликка тадбиқ этиш истиқболлари асосланган;

ички ишлар органлари давлат сиёсатининг муайян йўналишларини амалга ошириш учун масъул бўлган ижро этувчи орган сифатида юридик шахс мақомида фаолият юритиши билан бирга, фуқаролик муомаласининг тенг ҳуқуқли иштирокчилари сифатида ҳам юридик шахснинг иккинчи элементини ўзида намоён этиши зарурлиги асослаб берилган;

ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини ҳамда соҳада ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг қўлланилишини самарали тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган;

Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажарилмаслик оқибатида келиб чиқадиган

жавобгарликда маънавий зарарни қўллаш ва уни қоплаш тартибини жорий этиш лозимлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан пуллик асосда кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажмини кенгайтириш, бунда хизматларни юридик шахслар билан бир қаторда, жисмоний шахсларга ҳам кўрсатиш имкониятини яратиш, шунингдек анъанавий таълим ҳамда масофавий онлайн таълим тизими орқали экспертиза соҳаси билан боғлиқ хизматларни ҳақ эвазига ўқитиш зарурати асослаб берилган;

Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар турларини амалиётга жорий этиш фаолиятини ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

Ички ишлар вазирлиги соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан кўрсатиладиган пуллик тиббий хизматлар кўрсатиш тартибини жорий этиш зарурлиги асосланган;

Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати бўлинмалари томонидан Кинематография агентлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда хусусий кино саноати компанияларига шартнома асосида пуллик хизматларни кўрсатиш фаолиятини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар фаолиятидан олинмаган даромадлардан фойдаланиш жараёнида белгиланган қоидаларга риоя этилиши устидан идоралараро молиявий назоратни кучайтириш лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили ва ахборот базасида расмий эълон қилинган статистик маълумотларга асослангани, унда чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари ва ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани ҳамда амалиётга жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулоса ва амалий таклифлардан ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, соҳада шартномавий муносабатларни ривожлантириш юзасидан илмий тадқиқотларни олиб боришда, шунингдек «Фуқаролик ҳуқуқи», «Тадбиркорлик ҳуқуқи», «Ички ишлар органларининг молия ва хўжалик фаолиятини бошқариш» каби фанларни ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ички ишлар органлари фаолиятини ҳамда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек ички ишлар органларининг хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

автобусларга ички ишлар органларининг ҳамроҳлик қилиши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати бўлинмалари ва туризм хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари томонидан шартномалар тузилган ҳолда пуллик асосда амалга оширилишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 майдаги «Йўловчиларни автобусда ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 424-сон қарорининг 1-банди учинчи хатбошисида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 3 мартдаги 12/21-12-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши ички ишлар органлари томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида автобусларда йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизматларни ҳақ эвазига кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилган.

туристларни шартнома асосида кузатиб бориш хизматини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пиёда ва (ёки) махсус автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда кўрсатилишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги «Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш тўғрисида»ги 669-сон қарори билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида туристлар ва туристик гуруҳларни кузатиб бориш бўйича пуллик хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 3 мартдаги 12/21-12-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши ички ишлар органлари томонидан шартнома асосида туристларни кузатиб бориш хизматини пиёда ва (ёки) махсус автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиш тартибининг жорий этилишига хизмат қилган;

давлат таълим муассасалари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пуллик таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи, пуллик таълим хизматларини кўрсатиш давлат таълим муассасаларининг асосий фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги, Давлат таълим муассасаларида қўшимча таълим хизматлари кўрсатганлик учун ҳақ ундириш тартиби улар томонидан мустақил равишда белгиланиши тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги «Таълим тўғрисида»ги ЎРҚ – 637-сон қонунининг 62-моддаси учинчи-бешинчи қисмларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт қўмитасининг 2021 йил 2 апрелдаги 04/5-05-18-сонли далолатномаси). Мазкур таклифларнинг қабул

қилинганлиги давлат таълим муассасалари, шу жумладан Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари томонидан ҳақ эвазига таълим хизматларини шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатиш тартиб-таомилларини амалиётга жорий этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Шундан, диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 15 та (шундан, 2 таси хорижий журналларда ва 2 таси хорижий илмий-амалий конференция материалларида) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 178 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи»** деб номланиб, унда ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ички ишлар органларининг хизмат кўрсатиш соҳасидаги иштирокига оид ривожланган давлатлар тажрибасини миллий қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига тадбиқ этиш истиқболлари каби масалалар таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи «хизмат», «ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти барча соҳалар сингари, ички ишлар органлари томонидан хизмат кўрсатиш соҳаси учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Истиқболда ушбу соҳани ривожлантириш ва кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтиришда муҳим ўрин эгаллаши асослангайди. Ички ишлар органларининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқлари бир тарафдан аҳоли манфаатларини қондириш, иккинчи тарафдан тизимни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаш-

тириш, моддий техник базани ривожлантириш, ҳодимларни ижтимоий қўллаб қувватлаш имконини беришини қайд этади.

Изланувчи Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга компьютер технологиялари соҳасида хизмат ва маслаҳатлар кўрсатиш, хусусан рақамли ташувчиларда ўчиб кетган маълумотларни қайта тиклаш ва рақамли маълумотларни ҳимоялаш, заргарлик буюмлари ва вино-ароқ маҳсулотлари таркибини аниқлаш, транспорт воситаларининг двигатели, шасси, кузов рақамларини рўйхатга қўйиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш кабилар бўйича экспертиза, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш зарурлигини қайд этади.

Диссертантнинг фикрича, ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматларни бошқа хизматлардан фарқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу борада тадқиқот ишида ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар тушунчасига қўйидаги илмий-доктринал таъриф берилади: Ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган «хизмат» деб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг шахсий эҳтиёжини қондириш мақсадида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари томонидан моддий шакл касб этмайдиган маълум бир ҳаракат ёки фаолиятни ҳақ эвазига амалга оширишга қаратилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат тушунилади.

Тадқиқотчи давлат сиёсатининг маълум бир йўналишидаги вазифаларни амалга ошириш учун масъул бўлган ижро этувчи орган сифатида ички ишлар органлари юридик шахс мақомида фаолият юритишини тадқиқ қилади.

Шунингдек ишлар органлари нафақат жамоат муносабатларининг қатнашчилари, балки фуқаролик муомаласининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида ҳам юридик шахс белгиларини ўзида намоён этишини таҳлил этади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига киришишда ички ишлар органлари ўзларининг императив ҳуқуқий хусусиятларини намоёйиш этмайдилар, балки улар тенг ҳуқуқли, ҳуқуқий жиҳатдан мустақил томонга айланиши зарурлигини қайд этади.

Диссертантнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш субъектлари мулкчилик шаклидан қатъий назар, кучли ва заиф томонларнинг ҳуқуқий мавқеини тенглигини эътироф этган ҳолда ички ишлар органларининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар доирасида муайян ваколатларнинг мавжудлиги давлат органининг мажбурий хусусияти эмас деган хулосага келиш мантиқан тўғри келади. Шу сабаб ички ишлар органларини юридик шахс сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятларини ажратиб кўрсатади.

Булар, ваколатли давлат идораси сифатида ички ишлар органлари ваколатларининг мазмунини ташкил этувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари, юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли билан белгиланадиган хўжалик юритувчи субъект сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Тадқиқотчининг фикрича бундай турга ажратиш, ички ишлар органларининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Бунда бир томондан ички ишлар идораси ҳокимият ваколати билан таъминланган давлат органи вазифасини бажариши

мумкинлиги, бошқа томондан юридик шахс сифатида мулкый-ҳуқуқий муносабатлар ва фуқаролик муомаласининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси эканлигини қайд этади.

Диссертант айна пайтда шиддат билан тараққий этиб бораётган давр талаблари ва фуқаролик ҳуқуқининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақомини ҳамда соҳада ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг қўлланилишини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратади.

Тадқиқотчи ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизмат турларини таҳлил этиб, пуллик хизматларни юридик шахслар билан бир қаторда, жисмоний шахсларга ҳам кўрсатиш имкониятини яратиш зарурлигини қайд этади.

Тадқиқотчи, ИИВ эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан пуллик асосда кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажмини кенгайтириш, шунингдек анъанавий таълим ҳамда масофавий таълим тизими орқали экспертиза соҳаси билан боғлиқ хизматларни ҳақ эвазига ўқитишни йўлга қўйиш зарурлигини қайд этади.

Шунингдек, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш заруратига эътибор қаратади.

Диссертант сўнги йилларда ички ишлар органлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар соҳасининг кенгайиб бораётганлигига эътибор қаратган ҳолда, ушбу соҳада ўтказилган тадқиқотларда (Максименко А.В., Карчевский К.А., Конюхов С.С., Ручкин О.Ю., Шалягин Д.Д., John P. Granfield) шартномавий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хослигига эътибор қаратади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг қўлланилиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланиб, унда ички ишлар органлари фаолиятида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг ўрни ва аҳамияти, ички ишлар органлари иштирокида тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномани тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Айна пайтда бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ривожига мос ҳолда ички ишлар органларининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақомини ҳам такомиллаштириш зарурлигини, хусусан ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги иштироки доирасини кенгайтириш тенденцияси босқичма-босқич амалга оширилиши зарурлигини қайд этади.

Тадқиқотчи, бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётган айна пайтда фуқаролик муносабатларига киришмасдан туриб ички ишлар органларининг

иқтисодий манфаатлари ва эҳтиёжларини тўлақонли қондира олмаслигини таъкидлайди.

Шунинг учун ҳам доимий равишда пайдо бўладиган соф иқтисодий эҳтиёжлар ички ишлар органининг асосий фаолиятининг амалга оширилишида, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини сифатли бажарилишини таъминлашда фуқаролик муомаласидаги иштирокини кенгайтириш зарурлигини қайд этади.

Диссертант, фуқаролик-ҳуқуқий нормаларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органларининг давлат ҳокимияти тузилмалари сифатида эмас, балки фуқаролик ҳуқуқи иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги асосида муносабатга кириши зарурлигини ҳамда бунинг учун фуқаролик ҳуқуқининг тўлақонли субъекти мақомига эга бўлиши кераклигини асослаб беради.

Изланувчи ички ишлар органлари фаолиятида шартномалар кўламининг кенгайиши ва бозор иқтисодиёти шароитида бу муносабатларнинг ортиб боришини, ушбу ҳолат кўшимча даромад олиш имконияти билан узвий боғлиқлигини ҳамда ички ишлар органларининг асосий фаолияти шартномавий муносабатларнинг табиати ва мазмунига мувофиқлигини асослаб беради.

Тадқиқотчи, замонавий шароитда ички ишлар органлари олдида турган моддий муаммоларни ҳал қилиш Ички ишлар вазирлиги муассасаларининг шартнома муносабатларига асосланган иқтисодий фаолиятда, шу жумладан даромад келтирадиган ишларда тобора фаол иштирок этиш зарурлигини таъкидлайди. Қонун томонидан рухсат этилган бундай фаолият соҳага моддий ва техник таъминот, шунингдек, бюджетдан ташқари кўшимча молиялаштириш масалаларини ҳал қилиш имконини бериши билан изоҳлайди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари»** деб номланиб, унда Ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик шартлари ва асослари, ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилишга бағишланган.

Диссертант ички ишлар органларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг таркиби таҳлил этиб, томонларнинг жавобгарлиги, биринчи навбатда, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий шартларига биноан асосланиши лозим, деган хулосага келади.

Тадқиқотчи, томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда, контрагент томонидан мулкий йўқотишлар келиб чиқиши, бу нафақат унинг ўзи, балки бутун жамият учун салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлаб, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида тарафларга нисбатан мулкий жавобгарлик белгиланиши лозим, деган хулосага келади.

Ички ишлар органларининг шартнома мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари

фуқаролик қонунчилигига хос эканлигини ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммосини кўриб чиқиш жараёнида умумий қоидаларни ҳисобга олган ҳолда фуқаролик жавобгарлигини қўллаш, етказилган реал зарарни қоплаш ва йўқотилган фойда, пеня тўлаш ва бошқалар билан боғлиқ бўлиши лозим деган, хулосага келади.

Диссертант, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида тўлов контракти асосида таълим олаётган Сиртки таълим факультети тингловчиси (шахсни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатларидан ташқари) ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаш тўғрисида ариза билан мурожаат этган тақдирда ўқув фаолиятини давом эттиришга йўл қўйилишини назарда тутувчи нормани жорий этиш зарур, деган хулосага келади.

Ички ишлар вазирлиги олий ўқув юртининг муайян мажбуриятларни бажармаганлиги учун жавобгарлик шакли сифатида маънавий зарар ундириш ёки неустойкадан фойдаланиш зарурлигини таклиф қилади.

Тадқиқотчи, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай давлат органлари сингари ички ишлар идоралари тизимида ҳам моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш мақсадида ички ишлар вазирлигининг ҳудудий ва соҳавий тузилмалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар мажмуини (стратегияни) ишлаб чиқиш зарурлигини асослаб беради. Бу борада АҚШ, Хитой, Россия, Канада, Жанубий Корея, Украина каби давлатларда полиция қиёфасини ўзгартириш, уни ҳарбийлаштиришдан воз кечиш, полиция фаолиятини ихтисослаштириш тамойиллари ва жамият учун ижтимоий хизмат ғоясини бирлаштирадиган Ички ишлар вазирлигининг ижтимоий моделини яратиш зарурлиги таклиф этилмоқда.

Ички ишлар органлари тизимида хизмат кўрсатиш соҳасини комплекс ривожлантириш 2 та алоҳида йўналишда, шу жумладан улар томонидан давлат хизматларини тақдим этиш ҳамда шартнома асосида жисмоний ва юридик шахслар учун пуллик хизматлар тақдим этиш йўналишларида амалга оширилиши лозимлигини асослаб беради.

ХУЛОСА

Тадқиқот давомида миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижалари асосида ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган қуйидаги илмий-назарий хулосалар қилинди ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

І. Ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга оид илмий-назарий хулосалар

1. Ички ишлар органларининг ҳуқуқий муносабатлардаги иштирокига нисбатан илмий-ҳуқуқий қарашлар бугунги кунда тубдан ўзгариб бормоқда. Эндиликда ички ишлар органлари ўз номидан шартномлар тузиш орқали юридик шахслар ва фуқароларга ҳақ эвазига хизмат кўрсатиши мумкин,

бу эса ўз навбатида уларнинг хизматлар ижрочиси сифатидаги ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш заруратини кўрсатади.

Бу борада ички ишлар органларининг хизматлар ижрочиси сифатидаги мақомига нисбатан «шартномавий муносабат субъекти» концепциясини белгилаш мумкин.

Том маънода ушбу концепция ички ишлар органлари шартномавий муносабатларнинг субъекти сифатида иштирок этиши ва қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳиби сифатида фаолият кўрсатиши мумкинлигини англатади.

Айни пайтда ички ишлар органлари томонидан тузиладиган шартномалар «чекланганлик» тусига эгаллиги ва мазмунан «шартномалар эркинлиги» тамойилидан истисноли жиҳатларни ифодалаши билан ажралиб туришига ҳам эътибор қаратиш лозим.

2. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги келишувига мувофиқ ашёвий кўринишда бўлмаган фаолиятни амалга оширишни назарда тутати ва бунда ички ишлар органлари ижрочи сифатида муайян турдаги фаолиятни ҳақ эвазига буюртмачи (юримдик шахс ва фуқаро) фойдасига амалга оширилади.

Бугунги кундаги давлат органлари ва аҳолининг яқинлашуви, «давлат органлари халққа хизмат қилиши зарурлиги» концепцияси негизида ички ишлар органлари томонидан ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг янги турларини, шу жумладан қидирувга эълон бериш, ахборот хизматларини тақдим этиш, мол-мулкни ва шахс хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш бўйича янги хизмат турларини шартнома асосида тақдим этиш фаолиятини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Интернетнинг бугунги ривожланиш даражаси, хизматларнинг онлайн ва виртуал тарзда тақдим этилаётганлиги ички ишлар томонидан кўрсатиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш муносабатларига ҳам таъсир кўрсатади.

Хусусан, виртуал хизматлар, ахборотларни тақдим этиш ҳамда шахсга оид маълумотларнинг хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш, ҳақ эвазига юримдик шахслар ва тадбиркорлик субъектларининг хавфсизлик тизимини яратишга маслаҳат беришга оид электрон дастурларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир.

4. Амалдаги қонунчиликда ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари санаб ўтилган бўлиб, ушбу рўйхатда юримдик шахслар ва фуқароларга хизмат кўрсатиш кўрсатиш назарда тутилмаган.

Назаримизда, ички ишлар органларининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, юримдик шахслар ва фуқароларга хизмат кўрсатишни ҳам ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари жумласига киритиш ўринли бўлар эди.

5. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш турлари доираси кенг ва рангбаранг ҳамда қонунчиликда бундай хизматларнинг рўйхати очик қолдирилган.

Бу ўз навбатида, ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматларнинг янги турларининг вужудга келиши мумкинлигини кўрсатади.

Шу сабабли ички ишлар органлари томонидан кўрсатилаётган ҳақ эвазига хизматларнинг янги турларини киритиш ва ушбу хизматларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муносабатларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-боби қоидаларини қўллаш ўринлидир.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг 44-моддасида ички ишлар органи юридик ва жисмоний шахслар билан тузиладиган шартномалар асосида бўлинмалар ташкил этиши мумкинлиги ҳамда уларни молиявий таъминлаш ушбу шахслар ҳисобидан амалга оширилиши билан боғлиқ қоида назарда тутилган.

Бироқ ушбу бўлинмалар қандай фаолиятни амалга оширишлари, улар томонидан юридик шахслар ва фуқаролар ўртасида тузиладиган шартномаларнинг ҳуқуқий табиати қонунчиликда аниқлаштирилмаган.

Фикримизча, бундай бўлинмалар тегишли фаолият йўналишидан келиб чиқиб, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари асосида юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

7. Ички ишлар органлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб норматив-ҳуқуқий базани, шартномавий муносабатларни идоравий-ҳуқуқий тартибга солиш тизимини ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Шу жумладан:

Биринчидан, ички ишлар органларнинг фуқаролик ҳуқуқий субъекти жиҳатлари ва уларнинг юридик шахс сифатидаги фаолиятига бағишланган меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилиши ва тизимлаштирилиши лозим;

Иккинчидан, Ички ишлар вазирлиги ва унинг бўлинмаларининг шартномаларни тузиш ва ижро этиш тартибини тартибга солувчи йўриқнома қабул қилиш зарур;

Учинчидан, ички ишлар органларининг шартномавий фаолиятини ташкил этишни тартибга солувчи амалдаги қонунчилик тизимини қайта кўриб чиқиш, патрул-пост хизмати ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари иштирокидаги шартномавий муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

